

НАҚЛ ЖАНРИ ГЕНЕЗИСИ

Бекчанова Сайёра Базарбаевна

*НукусДПИ Ўзбек адабиёти кафедраси доценти,
Филология фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
Ўзбекистон, Нукус*

Аннотация. Нақл жанри генезиси ва унинг юзага келишида роль ўйновчи манбалар ҳақида сўз боради. Ўтмишда яратилган адабий, тарихий ва диний манбаларда келтирилган нақл, афсона ва ривоятлар туркий халқлар насрий жанрлар таркибининг шаклланиши ва тарихий тараққиётини ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Шу билан бирга, бу материаллар ёзма адабиётдаги нақллар сюжет тизимининг генетик илдизлари ва манбаларини кенг кўламда тадқиқ этишга асос бўлиши ёритиб берилди.

Калит сўзлар: нақл жанри, туркий халқлар, манба, тасниф, сюжет, фольклор.

Аннотация. Обсуждается генезис жанра притча и источники, сыгравшие роль в его возникновении. Притча, легенды и повествования в литературных, исторических и религиозных источниках, созданных в прошлом, играют важную роль в изучении становления и исторического развития жанров прозы тюркских народов. При этом разъяснялось, что эти материалы являются основой для масштабного изучения генетических корней и источников повествовательной сюжетной системы в письменной литературе.

Ключевые слова: жанр притча, тюркские народы, источник, классификация, сюжет, фольклор.

Ғарб ва рус фолклоридаги притча деб аталмиш жанрга функционал жиҳатдан ўхшаш бўлган оғзаки поэтик ижодидаги нақл жанрининг туркий халқлар фолклорида ҳам ўзига хослиги ажралиб туради. Нақллар дунёдаги ҳамма халқлар оғзаки ижодида учрайди. Ана шу ҳолатдан келиб чиқиб, халқ оғзаки ижодидаги нақллар ўзаро қиёсланади. Уларни ўзаро қиёсий ўрганиш, биринчидан, бу халқларининг урф-одатларидаги, анъана ва қадриятларидаги муштарак ҳамда ўзига хос жиҳатларни кашф этишга, иккинчидан, бир халқ нақллари орасидан иккинчи бир халқ фолклорида учрамайдиган нақлларнинг версия ва вариантларини топиб, уларнинг ўзаро муқояса қилиш, матн структураси таҳлили натижасида муайян илмий-назарий қарашларни илгари суришга ва хулосалар чиқаришга имкон яратади.

Рус олими В.Я.Пропнинг таъкидлашича: «Фолклористиканинг асосий вазифаларидан бири бу жанрлар таснифи ва ҳар бир жанрнинг алоҳида ўрганилиши ҳисобланади...» [9.20].. Демак, олимнинг фикридан кўриниб

турибдики, халқ оғзаки ижодининг ҳар бир намунасини алоҳида ўрганиб, жанрий хусусиятларини белгилаб олиш, аниқлаш ва шу асосда жанрлар таснифини ўрганиш муҳимдир. Шу боисдан, энг аввало, эпик жанрлар «халқ насри»[4.223], «халқ прозаси»[1.272], «народная проза»[9.38], «несказочная проза»[7.50] сифатида турлича номланиб, таркибига эпик жанрлар киритилган. Бу эса фольклоршуносликда мавжуд таснифларни ўрганиб, аниқлик киритиш лозимлигини тақозо қилади.

Турли халқлар фольклоршунослигида ҳам насрий шаклга эга бўлган жанрлар «халқ прозаси», «народная проза», «несказочная проза» тарзида номланади. Демак, барча халқларда насрий шаклга эга бўлган оғзаки ижод намуналари бир хил бўлиб, унинг таркибидаги жанрлар ижод намунаси материалига қараб турлича бўлади. Бу эса табиий ҳолдир.

Аксарият фольклоршунослар оғзаки поэтик ижоднинг эпик жанрларини тасниф қилиш асносида нақл жанрини ҳам унинг таркибига киритишади. Айримлари эса, айни масалани бир оз четлаб ўтишади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, турли халқларнинг мазкур жанрни номлашларида терминология жиҳатидан турфалик мавжуд. Хусусан, русларда притча ўзбекларда нақл, қорақалпоқларда мисал, менили гәплер ҳам халқ эпсаналари, аўзеки гүррийлар, қозоқларда мисал, қирғизларда уламш сингари атамалар билан юритилиб келинади. Бундан ташқари, айрим халқлар фольклоршунослиги, илмий адабиётлари ва луғатларида нақл оғзаки ижоднинг бошқа жанрлари билан жуфтлашган ҳолда, хусусан: нағил-эртақ, нақл-мақол, ривоят-нақл қабилида ҳам номланади.

Фольклорни ўрганиш тарихи унга нисбатан фақат илмий мақсадларда ёндашилганликни кузатиш билан чекланмайди, балки инсоният тафаккури таракқиётида унга турлича муносабатда бўлган илм-фан ва маданият арбобларининг адабий қизиқишларини ҳам ҳисобга олишни тақозо этади. Шу маънода фольклоршунослик асослари қадимги дунё эстетик тафаккурига бориб тақалади.

Ўрта Осиё худуди дунёвий ва диний илмлар келиб чиққан энг қадимий маданият ўчоқларидан биридир Шу ўринда таъкидлаш керакки, «Қуръони Каримнинг ҳар хил сураларида «нақл» ва «масал» атамаси 43 ўринда учрайди»[3.95]. Бундан ташқари, ушбу Муқаддас китобда «зарбулмасал»[13.243] атамасини ҳам кўплаб сураларда учратиш мумкин. «Аллоҳ чивин, балки ундан ҳам «юқори» нарсалар ҳақида зарбулмасал айтишдан уялмайди. Имонли кишилар-ку, уни (масални) ҳақиқатдан ўзларининг Рабби тамонидан (юборилган) ҳақ нарса деб биладилар. Кофирлар эса: «Бу масал билан Аллоҳ нима демокчи, ўзи?» - дейдилар. У (масал) билан Аллоҳ кўпларни адаштиради ва у билан кўпларни (тўғри йўлга) ҳидоят қилади. Лекин (Аллоҳ) у билан фақат (аслида бетафиқ бўлиши муқаррар) фосиқларнигина адаштиради»[13.5]. Қуръонда ҳар оятнинг, ҳатто ҳар калима ва ҳарфнинг бир ҳикмати, бир сири бордир. Бу ҳикматлар кўпинча бир ҳикоятнинг ичида яширилгандир. Баъзан шу ҳикоятлар бошқа воқеликлар муносабати билан келтирилади. Қуръон услубини яхши билмаганлар буларни такрор деб ҳисоблайдилар. Бу, эса ўз навбатида, фольклоршуносликда алоҳида тадқиқотни талаб қиладиган жараён ҳисобланади.

Фольклор намуналарини ёзиб олишдаги дастлабки тажрибалар XI асрдан бошлаб кўзга ташланади. Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғотит турк» асаридаги халқ оғзаки ижоди намуналари бунинг ёрқин мисолидир. Асарда туркий халқлар ҳақида: «Аллоҳ таоло салтанат куёшини турклар буржигга кўтарди. Фалакни ҳам шулар мулкига мослаб айлантирди. Уларни турк деб атади, мулкка эга қилди, уларни замонамизнинг хоқонлари қилиб кўтарди. Замон аҳлининг ихтиёр жоловини шулар қўлига топширди, халққа бош қилди, уларни тўғри йўлга юришга қодир этди. Буларга қарашли кишиларни ғолиб қилди. Буларга яқин бўлиш учун энг асосий йўл – уларнинг тилларида сўзлашишдир, чунки улар бу тилда сўзлашувчиларга яхши қулоқ соладилар, ўзларини яқин тутадилар, уларга зарар

бермайдилар»[6.21]. Маҳмуд Қошғарий туркий сўзларнинг луғавий маъносини изоҳлаш мақсадида кўшиқ, мақол, афсона каби фольклор намуналаридан ҳам фойдаланган. «Мен турклар, туркманлар, ўғузлар, чигиллар, яғмолар, қирғизларнинг шаҳарлари, қишлоқ ва яйловларини кўп йиллар кезиб чиқдим, уларнинг энг гўзал сўзлари ва ҳикматларини тўпладим. Турли хил луғат хусусиятларини ўрганиб аниқлаб чиқдим. Мен бу ишларни тил билмаганим учун эмас, балки бу тиллардаги ҳар бир кичик фарқларни ҳам аниқлаш учун қилдим. Бўлмаса, мен тилда уларнинг энг етуқларидан, энг катта мутахассисларидан, хуш фахмларидан, эски қабилаларидан, жанг ишларида уста найзадорларидан эдим. Уларга шунча диққат қилдимки, турклар, туркманлар, ўғузлар чигиллар, яғмолар ва қирғиз қабилаларининг тиллари бутунлай тилимга жо бўлди. Уларни ҳар тамонлама пухта бир асосда тартиб солдим»[6.22]. Унда XI аср оғзаки адабиёти намуналари билан энг қадимги даврларда, ҳатто, эрамиздан олдинги замонларда яратилган, асрдан-асрга, авлоддан-авлодга кўчиб юрган кўплаб халқ мақоллари, ранг-баранг кўшиқлари, афсона ва нақллари тўпланган. Асарда тўпланган маълумотлар ҳақида Маҳмуд Қошғарий: «Мен бу китобни махсус алифбо тартибида туздим, ҳикматли сўзлар, сажълар, мақоллар, кўшиқлар, ражаз ва наср деб аталган адабий парчалар билан безадим»[6.22], – деб қайд этади. Ва яна давом қилиб ёзади: «...Мен ҳар бир қабилага мансуб сўзларнинг ясалиш хусусиятларини ва қандай қўлланилишини қисқача изоҳлаб кўрсатиш учун алоҳида йўл тутдим. Бу ишда мисол тариқасида туркларнинг тилида қўлланилиб келган шеърлардан, шодлик ва мотам кунларида айтиладиган ҳикматли сўзларидан, мақолларидан келтирдим, токи улардан фойдаланувчилар нақл қилувчиларга, нақл қилувчилар эса, ўз навбатида, шу тилда сўзловчиларга ва тингловчиларга етказсин. Шунинг учун ҳам буларнинг ҳаммасини мазкур асарда тўпладим. Бу китоб янгиликлар беришда қиёмига, қиймат ва муҳимликда эса поёнига етди»[6.25]. Бу қайд-эътирофларидан кўринадикки,

асарда муаллиф на фақат тилшунос олим, балки ўз даврининг адабиётшуноси, этнографи ва фольклоршуноси, энг асосийси, қомусий билимдони бўлган.

Нақллар фольклор тўпламлари, халқ китоблари, тарихий манбалар, шунингдек, ҳинд халқининг «Панчатантра», «Калила ва Димна» асарлар, ҳамда қадимги манбалар орқали бизгача етиб келган. Ёзма адабиётдаги Х асрнинг йирик муаррихи Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахийнинг «Бухоро тарихи», Махмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк», Рабғузийнинг «Қисаси Рабғузий», Алишер Навоийнинг «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Тарихи мулуки Ажам», «Насойимул муҳаббат», Абу Тоҳирхўжанинг «Самария», Хожанинг «Мифтоҳ ул-адл», «Гулзор», Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарларида бир қатор ҳикоятлар борки, буларни нақл жанри намунаси сифатида эътироф этиш зарур. Зеро, Хожанинг «Мифтоҳ ул-адл», «Гулзор» асарларидаги «Аёз», «Чумчук» нақллари. Гулханийнинг «Зарбулмасал» асаридаги «Тошбақа билан чаён», «Маймун ва Нажжор», «Туя билан Бўталок» каби ҳикоят ва масалларда айнан нақл жанрининг кенг маънода ёзма адабиётдаги намуналарини кўриш мумкин.

Нақл жанрининг генезиси ва юзага келишида икки манба ҳал қилувчи роль ўйнаганлигини фольклоршунос К.Имомов шундай изоҳлайди: «Биринчиси халқнинг ҳаёт тажрибалари, доно фалсафаси, иккинчиси юқорида номи келтирилган шу кунгача маълум ва машҳур ҳинд халқ китоблари («Панчататра», «Калила ва Димна») таржималари, ўзбек халқ эртаклари, мақолларидир»[4.214].

К.Имомовнинг фикрларидан кўринадикки, айрим ҳолатларда нақл ўрнига «Зарбулмасал» атамасини ҳам кўришимиз мумкин. «Туркий халқлар ўртасида нақл оғзаки прозанинг мустақил жанри ҳисобланади». Олим яна таъкидлайдики, «Бу термин нисбатан кенг маънони билдиради. Қадимги туркий ёдномалар, халқ китоблари, кўлёмаларда миф, эртак, афсона, ривоят, дoston, мақол, матал ва ҳатто топишмоқларга нисбатан ҳам нақл

атамаси қўлланган. Шунинг учун бўлса керак, ҳозирги кунда Озарбайжонда эртақ-нақл деб юритилса, туркманларда мақол-нақыл, қирғизларда ибратли ривоятлар – нақыл, уйғурларда оғзаки ҳикоялар – нақл деб юритилади. Форс тилида эса нақл оғзаки ҳикояларни англатади. Нақл луғавий маъносига кўра, оғиздан-оғизга кўчиб юрган сўз ёки гапни билдиради»»[4.12].

Нақллар туркий фольклоршуносликда ҳам маълум даражада ўрганилган. Ф.Назершина бошқирд»[8.133], С.Қасқабасов қозок»[5.159], ва туркман фольклоршуноси А.Баймирадовлар туркман халқлари»[2.157] ҳам насрий асарларни тадқиқ этишган. Қирғиз тадқиқотчиси Т.Танаев халқ насри юзасидан тадқиқотлар олиб борган»[10.80].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қадимги цивилизация чорраҳасида яшаган туркий халқларнинг ҳаёт ва турмуш тарзи, урф-одат ва удум, эътиқодларидаги муштараклик натижасида юзага келган бадиий тафаккур дурдоналари умумтуркий меросни юзага келтирган. Шу боисдан ҳам туркий халқларнинг адабий-маданий алоқалари қадимийлиги уларнинг муштарак адабий-бадиий ижод намуналарида, фольклор асарларида, хусусан, нақлларда ҳам ўзининг яққол ифодасини топган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Айымбетов Қ., Кожуров О. Қарақалпақ әдебиятының түрлери// Қарақалпақстан әдебияты хәм искусствосы. – Торткуль, 1939. – № 4,5 (38). – Б. 79-80 (Ушбу журнал ЎзР ФА ҚҚ бўлими кўлөзмалари фондида сақланган. Инв. №135201; № 3405);
2. Баймирадов А. Туркмен фольклор прозасынын тарыхы эволюциясы. – Ашхабад: Ылым, 1982. – Б. 153-157.
3. Баротзода Ф. Притча о Мудром Лукмане – образец художественной прозы// Учёные Записки. Худжандского госуниверситет. – Худжанд, 2018, – №1(54) 2018. – С. 92-95.
4. Имомов К. Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 223.
5. Каскабасов С. Казахская сказочная проза. – Алмата: Наука, 1990. – С. 158-159.

6. Маҳмуд Қошғарий. Туркий сўзлар луғати (Девону луғотит-турк). I жилд. Тўлдирилган ва ислоҳ қилинган иккинчи наشري. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2016. – Б. 21.
7. Надршина Ф.А. Башкирская народная несказочная проза: Автореф. дис. ... докт. филол. наук. – Уфа, 1998. – С. 50.
8. Назершина Ф. Халык хатере. – Уфа.: Башкортстан китап нашрияти, 1986. – Б. 129-133.
9. Пропп В.Я. Фольклор и действительность. – Москва, 1976. – С. 38.
10. Танаев Т. Эпикалык жанрлар. 2-китеп. – Ош, 1999. – Б. 78-80.
11. Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент, 1990. – Б. 20-21.
12. Қасқабасов С. Қазақтың халық прозасы. – Алматы: Ғылым, 1981. – Б. 272.
13. Қурьони Карим. Маъноларининг таржима ва тафсири. Юсуф Сураси. 13-пора. 67-оят. – Тошкент, 2018. – Б. 243.

Аjинияз атиндағи
NÓKIS MÁMLEKETLIK
PEDAGOGIKALÍQ INSTITUTÍ
N M P I
1934